RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 3 июнь, шанба • №42 (11.227) • Эркин нархда сотилади

*Вилоят ҳокимлигида*

## ЯЙРАБ ДАМ ОЛИНГ, БОЛАЖОНЛАР!

***Ҳар қачонгидек бу йилги мавсумда ҳам вилоятимиз болаларининг кўнгилли дам олишларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда оромгоҳлар қайта таъмирланди. Турли маданий тадбирлар, спорт ўйинлари ўтказиш бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқилди.***

Эртанги кунимиз ворисларига хордиқ масканларида ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, меҳрибон, билимдон ёшлар мураббийлик қиладилар. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши, вилоят халқ таълими бошқармаси ва бошқа ташкилотлар сўлим масканларда болалар учун тўла-тўкис шароитлар яратиш борасида ўз режаларига эгалар.

Айни пайтда дам олувчиларни оромгоҳларга тартибли равишда кузатиб бориш, жойларда уларнинг хавфсизликларини таъминлаш, айниқса, ҳудудларда алоқа хизматини яхши йўлга қўйиш бу жараёндаги муҳим ишлардан ҳисобланади.

Болаларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарлича таъминлашда мутасадди муассасалар, савдо ходимлари, матлуботчиларнинг ўрни ўзгача. Корхоналар, ташкилотлар ўзларига бириктилган хордиқ масканларининг фаолиятидан хабардор бўлиб туришлари керак.

Вилоят ҳокимлигида шаҳар ва туманлар ҳокимлари муовинлари, халқ таълими бошқармаси, вилоят касаба уюшма кенгаши, вилоят ички ишлар, СЭС ходимлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу масалаларга кенг тўхталиб ўтилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Йиғилишда вилоят касаба уюшма кенгаши раиси М. Тўлаганова, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини Убайдулла Абдуллаев ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар оромгоҳларда дам олишни кўнгилдагидек ташкил этиш учун тўлиқ шарт-шароитлар яратиш хусусида гапирдилар. Бу йил фаолият кўрсатадиган 45та оромгоҳларда ички интизомни мустаҳкамлаш, текширувларни тартибга солиш тўғрисида ҳам сўз борди. Шунингдек, вилоят шаҳар ва туманларидаги мактабларда ташкил этилган оромгоҳларда жойлар сонини янада кўпайтиришга даъват қилинди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

***Саид ВАЛИЕВ.***

## «БАХМАЛ» ПИЛЛАСИГА ГИЛАМ-СОВҒА





***БЎКА туманн хўжаликларида пилла териш ҳал қилувчи босқичга кирди. Ҳозирги пайтда туман пиллахонаси ходимлари кунига 12 тоннагача хомашё қабул қилмоқдалар. Шу кунгача тайёрланган пилла эса 100 тоннадан ошди.***

ТУМАНДАГИ 21та хўжаликда бу йил жами 3000 қути ипак қурти парвариш қилинди. Улар билан тузилган шартномага мувофиқ туман пиллахонасида камида 140 тонна кумуш тола тайёрланиши керак. Мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда, бўкаликлар режани анча ортиғи билан қоплайдиган даражада баракали ҳосил етиштирдилар. Бунда пиллахона ходимлари томонидан қурт боқувчиларни моддий рағбатлантириш юзасидан амалий чоралар кўрилганлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ўтган мавсумлардагидан фарқли ўлароқ, бу йил қурт боқувчиларга неча қути уруғни парвариш қилаётганларига қараб, уларга тегишли иш ҳақининг 70 фоизига етказиб аввалдан бўнак пули берилди. Бундан ташқари туман «Пилла» акциядорлик жамияти ҳамда пиллахона маъмурияти ўзаро маслаҳатлашиб, режани барвақт ва ортиғи билан бажарган ҳамда кўпроқ юқори навли пилла топширган хўжаликлар учун қимматбаҳо совғалар белгилади.

Меҳнатлари муносиб тақдирланишини амалда ҳис этган пиллакорлар астойдил ҳаракат қилдилар. Жумладан, «Бахмал» ширкат хўжалиги пиллакорлари ҳосил теримига барвақт киришиб, шартнома режасини туманда биринчи бўлиб бажардилар. Шу кунгача 80 қути уруғдан 3800 килограммдан зиёдроқ хомашё топширилди. Акбарали Бегалиев, Сарвиноз Сиддиқова, Турсиной Алибоева каби тажрибали пиллакорлар ҳар қути уруғдан 78-83 килограммдан ҳосил олишга эришдилар. Хўжалик пиллакорларининг меҳнати туман пиллахонаси томонидан ажратилган мукофот — гилам билан тақдирланди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллайдиган хўжаликларни эса туман «Пилла» акциядорлик жамиятининг қимматбаҳо совғалари кутмоқда.

*СУРАТЛАРДА: пиллахона бош лаборанти (чапдан) Муҳаббат Ортиқова ва лаборант Ирода Салимова янги қабул қилинган пилла сифатини текширмоқда; «Бахмал» хўжалиги пиллакори Турсиной Алибоева.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

## ВИЛОЯТ *ҳаёти*

### КИМ УЧҚИРУ КИМ КУЧЛИ...



Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, Оққўрғон туманидаги 8-болалар боғчасида байрам тадбири ўтказилди. Ота-оналар иштирок этган ушбу тантаналарда кичкинтойлар яйраб қўшиқ айтишди, рақсга тушишди. Шунингдек, югуриш, арқон тортиш каби мусобақаларда қатнашиб, мириқиб қувнашди.

***Н. АЛИМОВА.***

### ҲОКИМЛИКДА УЧРАШУВ



ПАРКЕНТ тумани ҳокимлиги, «Фидокорлар» партияси ва «Камолот» жамғармаси туман бўлими биргаликда бу йил ўн биринчи синфни битирган ёшлар билан мулоқот ўтказдилар. 600 нафарга яқин ўқувчи иштирок этган бу тадбирда туман ҳокими Мирзамашраб Кўччиев ёшларни мустақил ҳаётга йўл олганликлари билан табриклаб, мамлакатимизга содиқ фарзандлар бўлиб етишишлари йўлида уларга омад тилади.

Учрашувнинг иккинчи қисмида «Мирзо» театри артистлари ижросида концерт кўрсатилди.

***Тўйчи ДЎСТМАТОВ.***

### МУАЛЛИФЛАРИ — ОЛИМЛАР



ВИЛОЯТ ўқитувчилар малакасини ошириш институти ташаббуси билан «Соғлом авлодни шакллантиришда илғор педагогик технологияларнинг ўрни» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Бу анжуманда республикамиз олий ўқув юртларининг олимлари вилоятимизнинг шаҳар ва туманлари мактабларидан ташриф буюрган раҳбарлар, ўқитувчилар, синов майдончаларида фаолият кўрсатган педагоглар олдида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, дарснинг техник харитасини лойиҳалаш, болаларда ирода қудратини мустаҳкамлаш ва бошқа турли мавзуларда 30га яқин маърузалар билан чиқишди.

***Саидвали ҲАСАНОВ.***

### ҚЎШИМЧА ИШЧИ ЎРИНЛАРИ



ЧИРЧИҚДАГИ биринчи ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ўқувчи ёшларни фойдали касбларга йўллаш бўйича олиб борилаётган тажриба-намуна ишлари ижобий самара бермоқда. Бу ерда ёш чеварларга ҳунар ўргатиш ҳам йўлга қўйилди.

Уларнинг ишлаб чиқариш малакаларини ошириш мақсадида комбинат шаҳардаги «Ғунча» тикувчилик бирлашмаси билан шартнома тузди. Унга мувофиқ комбинатда чеварлик касбини эгаллаётган ўқувчи қизлар таътиллари давомида тикувчи бўлиб ишлайдилар.

Бунинг учун корхонада қўшимча ишчи ўринлари ажратилди.

***Акбар АЛИЕВ.***

### САВОБ ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА



Бўстонлиқ тумани меҳнат бўлими мутасаддилари тумандаги 6-мактаб-интернат ва 125-махсус мактаб-интернат ўқувчиларининг ёзги таътил даврида «Азиз» болалар оромгоҳида мириқиб дам олишлари учун 62 минг сўмлик маблағ ажратдилар. Бу пуллар оромгоҳ ҳисобига ўтказилди. Шунингдек, Паркент ва Юқоричирчиқ туманлари меҳнат бўлимларининг ҳар бири шу мақсадда 56 минг сўмдан хайрия ёрдами кўрсатдилар.

Вилоятимизда меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган болаларга ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига мурувват қўлини чўзиб, хайрия ёрдами кўрсатиш ишлари давом этмоқда.

***Ўз мухбиримиз.***

*Шу сонга хабарлар*

## КИЧКИНТОЙЛАР АРДОҚЛАНДИ

*Янгийўл шаҳри марказий майдонида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди.*

Бу тадбирда халқаро «Экосан» жамғармаси президенти Юсуфжон Шодиметов, вилоят ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Сайёра Хўжаева, Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Бахт Абилгазин, Туркманистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчи-маслаҳатчиси Жуман Йўлов, Янгийўл шаҳар ҳокими Шуҳрат Қорабоев ва бошқалар сўзга чиқиб, болажонларимизни халқаро байрам билан қизғин қутладилар. Кичкинтойларга совғалар топширилди. Тадбир сўнгида «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақалари ўтказилди.

***Зуҳра ҲАЙДАРОВА.***

## «ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЧИНОЗ»

*Чиноз туманидаги Амир Темур номли ширкат-жамоа хўжалигида «Темурийлар даврида Чиноз» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*

Вилоят ҳокимлиги ва халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан ўтказилган бу тадбирда шарқшунос олимлар Т. Файзиев, У. Уватов, Н. Исабоев, олим ва педагог Ф. Зикриллаев ва бошқалар маърузалар билан чиқишди.

Анжуманда иштирок этган бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев мустақиллик туфайли спортга берилган имкониятлар ҳақида гапирди.

***Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.***

## НАВБАТ – ЎРИМ-ЙИҒИМГА

***БУ ЙИЛ вилоятимизнинг 220та хўжалигида жами 122,5 минг гектар майдонга буғдойнинг асосан кўп йиллик тажриба ва синовлар жараёнида маҳаллий иқлим ва тупроқ шароитига мос эканлиги исботланган «Купава», «Деметра», «Улуғбек» навлари экилганлиги боис ҳосил чўғи чакки эмас. Мутахассисларнинг чамасига қараганда, давлатга 263 минг 800 тонна ғалла топшириш юзасидан белгиланган шартнома режасини анча ортиғи билан қоплайдиган даражада баракали ҳосил етиштирилди. Эндиги вазифа уни қисқа муддатда ўриб-янчиб олишдан иборатдир.***

ХЎШ, жойларда ғалла ўрим-йиғимига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилдими? Бутун мавсум давомида ишлатиладиган техника ва транспорт воситалари, малакали комбайнчилар етарлими?

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан берилган маълумотларга қараганда, ҳозирданоқ ҳамма нарса мавсумга тахт қилиб қўйилган. Тахминан бир ҳафтадан сўнг, яъни ўнинчи июндан ғалла ўримига киришиш режаланган. Бунинг учун бор имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда ўрим-йиғим жадвали тузиб чиқилди. Унга кўра етиштирилган жами ҳосил 25-30 кунда саранжомлаб олиниши керак. Бунинг учун жами 472та комбайн ғаллазорларга олиб чиқилади. Шундан 136таси «Кейс». Ҳисоб-китобларга қараганда, битта комбайнга ўртача 260 гектар майдон тўғри келади. Демак, бор ҳосилни бир ойдан кечиктирмай, ўриб-янчиб олиш учун комбайнларни иложи борича куну тун яъни уч босқичда ишлатиш зарур. Хўжаликларда ана шу мақсадга мос ҳолда етарлича малакали комбайнчилар тайёрланди.

Ишлаб чиқилган жадвалга мувофиқ ўрим-йиғим ишлари узлуксиз ташкил этилади. Бунинг учун барча техника воситаларига бевосита даланинг ўзида техник хизмат кўрсатилади. Комбайнчилар ҳам навбати билан дам оладилар. Улар учун иссиқ овқат тайёрланади.

Ўриб-янчилган ғаллани пешма-пеш қабул пунктларига ташиб туриш учун етарли миқдорда транспорт воситалари ажратилади. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги автокорхоналарнинг имкониятлари тўла ишга солинади. Агар зарур бўлиб қолса, вилоятдаги айрим автокорхоналардан

*Бугуннинг гапи*

транспорт воситалари сафарбар этилади. Бундан ташқари мавсумда ғаллани талон-торож қилиш ва ташмачиликка йўл қўймаслик чоралари кўрилади. Жумладан, тегишли ташкилотлар томонидан ўрим-йиғим ишларининг боришини назорат қилиш кучайтирилади.

Бу йилги ғалла ўрим-йиғимининг ўзига хос янги жиҳати хусусида алоҳида тўхталиш лозим. Бу – уруғлик ғалла масаласи. Маълумки, ҳамма қатори вилоятимизга ҳам асосий уруғлик ғалла Андижондан келтирилади. Лекин, афсуски, кейинги йилларда ана шу уруғликнинг сифати бироз айниди. Айниқса, ғаллани ўт босиш ҳоллари деҳқонларга ортиқча ташвиш келтирмоқда. Шуни ҳисобга олиб, вилоятимиз ғаллакорлари уруғликни шу ернинг ўзида тайёрлаш йўллари ва имкониятларини изламоқдалар. Масалан, бу йил 75 фоиз майдонга етадиган салкам 20 минг тонна уруғлик Андижон вилоятидан олиниб, қолган ерга шу ерда тайёрланганидан экилди. Бундай ўзига хос тажриба ҳар ким ўзи учун керакли уруғликни ўзи етиштириб, тайёрлагани маъқул эканлигини кўрсатди. Биринчидан, ғаллазорда ўт кам бўлди. Иккинчидан кўчат қалинлиги меъёрида, ҳосилнинг чўғи ҳам чакки эмас.

Бундан тегишли хулоса чиқарилиб, бу йилги ҳосилдан уруғлик ғалла бера оладиган хўжаликлар аниқлаб олинди. Масалан, вилоят бўйича 40та хўжаликнинг ғаллазорлари кўздан кечирилиб, уруғлик дон берадиган карталар белгиланди. Уларни алоҳида ўриб-янчиб олиб, камида 12 минг тонна уруғлик тайёрлаш мўлжалланмоқда. Айтиш мумкинки, ушбу тажриба изчил давом эттирилса, узоғи билан 2002 йилга бориб вилоят четдан уруғлик ғалла келтиришга чек қўйиб, ўз эҳтиёжини ўзи таъминлаш имкониятига эга бўлади.

Бу йилги мавсумнинг яна бир янги жиҳати шундаки, ҳар доимгидек, комбайнчилар учун қулай шароит яратиб бериш, меҳнатларини рағбатлантиришдан ташқари, уларнинг ҳосил тақдири учун масъулиятларини ошириш чоралари ҳам кўрилади. Чунончи, у ёки бу картага комбайн солишдан аввал бу ердан чиқадиган ҳосил чамаланиб, ҳужжатлаштирилади ва томонлар, жумладан, комбайнчи ҳам уни имзолашади.

Шундай қилиб, ғаллага ўроқ тушишига саноқли кунлар қолди. Ҳозир энг сўнгги тайёргарлик ишлари охирига етказилмоқда. Мақсад – ўрим-йиғимни қисқа муддатда якунлаш. Ана шунда ортиқча исрофгарчиликларга ўрин қолмайди.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

## ЗАМОНАВИЙ КАРВОНСАРОЙ БЎЛАДИ

**Вилоятимизнинг Янгийўл туманида Халқаро логистика маркази бунёд этилиши ҳақидаги хушхабар яшин тезлигида тарқалди**

***Етмиш гектардан зиёдроқ ҳудудни қамраб олувчи Ўрта Осиёда ягона ушбу марказда хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар туширилиб юкланади, сақланади ҳамда тегишли ҳудудларга жўнатилади.***

Шу ернинг ўзида божхона ва банк хизмати кўрсатилиб, маҳсулотларга сифат сертификати берилади. Автомобиллар тўхташ жойлари, уларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, шунингдек савдо-сотиқ бўлимлари барпо этилади. Ҳайдовчилар ва юкни йўлда кузатувчиларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилади. Бунинг учун турли хизматларда 2 мингдан ортиқ киши банд бўлади...

Буларнинг бари Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида икки кун давом этган «Халқаро логистика маркази» лойиҳаси сармоядорлари халқаро анжуманда муҳокама қилинди. 150дан ортиқ маҳаллий ва хорижий компаниялар вакиллари иштирокида ўтган бу нуфузли тадбир Шарқ билан Ғарбни бир-бирига боғловчи қадимий «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш борасидаги илк ишлардан бирига бағишланди.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз ҳукумати бу қадимий савдо йўлини яна тиклаш ташаббуси билан чиқди. Ўзбекистон ташаббуси билан бу борада кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилди, халқаро анжуманлар ўтказилди. Бундай тадбирлар хорижликлар эътиборини тортмай қолмади. Чет элликлар қадим робиталарни тиклаш, таъмирлашга ҳисса қўшиш истагини билдирди. Айниқса, бунда Европа давлатларининг иштирокини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу табиий ҳам. Зеро Ғарбий Европа давлатлари учун Осиё бозорига чиқишнинг энг маъқул, яъни арзон, яқин ҳамда хавфсиз йўли мамлакатимиз ҳудудидан ўтади. Шунингдек, Осиё давлатлари ҳам бу йўллардан Европа бозорига осонроқ чиқади.

Халқаро логистика марказини бунёд этишда Германиянинг «Даймлер-Крайслер» компанияси билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Ҳозир дунёнинг юзга яқин компанияси ушбу марказнинг қурилишига қизиқиш билдираётган бўлса, уларнинг 50дан ортиғи лойиҳада бевосита иштирок этиш ниятида.

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЭРТАГА
4 ИЮНЬ КУНИ
ВИЛОЯТИМИЗНИНГ
«**Дўстлик**» жамоаси
Наманганнинг «**Навбаҳор**»
футболчиларини ***қабул қилади.***
**Ўйиндан аввал катта концерт берилади.**
**Тадбир соат 16.00да бошланади.**
***Қадрли футбол мухлислари, «Дўстлик» ўйингоҳига марҳамат қилинг!***

